

ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТГА ЭГА ЖИГАР КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ КЛИНИК КЕЧИШ ХУСУСИЯТЛАРИ (21 ЙИЛЛИК ЭПИДЕМИОЛОГИК МОНИТОРИНГ)

Н. С. Мамасолиев,
И. Р. Асқаров,
Н. С. Хакимов,
Б. У. Усмонов

Андижон давлат тиббиёт институти

Долзарблиги

Аҳоли орасида ижтимоий аҳамиятга эга сурункали жигар касалликларининг (биринчи навбатда СГ ва ЖЦ ни) профилактикаси ва улар-нинг хатар омилларини эрта аниқлаш, уларга қарши курашиш ва мувофиқ-лаштиришнинг самарали усулларини излаб топиш назарий ва амалий жиҳат-дан муҳим илмий йўналиш ҳисобланади. Бу муаммо, айниқса, аҳоли сони бўйича эскирган маълумотлар мавжуд бўлган Ўзбекистон ҳудудлари ва аҳолиси учун долзарбдир. Ҳозирги вақтда, сурункали касалликларга қарши курашишнинг тиббий ва иқтисодий самарадорлиги исботланган эпидемиоло-гик ёндашувлар мавжуд ва ёндашувларнинг аксарияти популяция даража-сидаги профилактика соҳасига тегишли. Скринингли/популяция даражаси-даги профилактика – бу, аҳоли саломатлигини сақлаш (бирламчи профилак-тика) ва сурункали патологиялар, ҳамда, уларнинг хатар омиллари оқибат-ларини олдини олишнинг тасдиқланган ва ягона ишончли усули ҳисобланади.

Изланиш мақсади. Ижтимоий аҳамиятга эга жигар касалликларининг замо-навий клиник кечиш хусусиятлари ўрганиш.

Изланиш материаллари ва усуллари. Тадқиқотга 18-74 ёшли, Анди-жон давлат тиббиёт институти клиникаси бўлимларида сўровномали, биоким-ёвий, инструментал, функционал ва аутопсия усуллари билан тасдиқланган сурункали гепатит ва жигар циррози билан 2000-2020 йилларда даволанган бемор эркак ва аёллар популяцияси (4585та) ўрганиб чиқилди.

Изланиш натижалари. Тадқиқотнинг йўналишларидан бири, жигарнинг асосий сурункали касалликларининг (барча сурункали гепатитлар, жигар циррозини) клиник кечишининг замонавий хусусиятларини, 21 йиллик клиник - эпидемиологик проспектив мониторингда ўрганиш ва тахлили шуни кўрсатдики, жигарнинг ижтимоий аҳамиятли касалликларининг (ИАЭЖК) частотасини ортишига олиб келувчи эпидемиологик хатар омилларини тарқалиши ва 21 йиллик динамикаси асосан қуйидаги клиник аломатлар,

СГ да: астеник синдром (АС, умумий беҳоллик ва тез чарчаб қолиш), артралгия, иштаҳанинг йўқолиши (ИЙ), ўнг қобирға ости соҳаси доимий оғриғи (ЎҚОДО), жигардан ташқариги кўринишлар (ЖТК) (артритлар, томирли пурпура, васкулитлар, нефрит, Мельтцер учлиги (ўта кучли биохимик ўзгаришлар + тери пурпураси + артралгия) цитолитик синдром (ЦС); ЖЦ да эртаки симптомлар (ЭС) (чарчок, диспепсия, спленомегалия, тўпиқ шишиши, “томирли юлдузчалар”), ЖЦ декомпенсация босқичи симптомлари (ЖЦДБС), портал гипертензия (ПГ) белгилари кузатилди.

Хулоса

ИАЭЖК билан беморларда асосий клиник аломатлар: ЦС, ЖТКС, ЎҚСДО, ИЙ, АС, ЭС, ЖЦДБС, ПГ тасдиқланди.